

01-07/2
28.01.2022 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги
директори, Ҳайъат раиси



У.М. Юсупов

2022 йил 28 январь

**“Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши
2-сон БАЁНИ**

2022 йил 28 январь

Тошкент ш.

Раислик қилувчи:

У.М.Юсупов

“Ўзархив” агентлиги директори, Ҳайъат раиси

Қатнашдилар:

Ш.Садиков, Х.Исаев, Д.Кучарова,
А.Маманазаров, Д.Закирова

“Ўзархив” агентлиги Ҳайъати аъзолари

Таклиф қилинганлар:

Д.Хамдамов, Г.Бобоева,
Д.Мадиева, С.Ҳақназаров

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси бош мутахассиси, “UZA”
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
мухбири, “O`zbekiston 24” радиоканали
журналисти, “Mahalla” радиоканали
журналисти

Агентлик марказий аппарати ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари, Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази директорлари ва уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳар марказий ҳамда вилоят, туман (шаҳар) давлат архивлари директорлари.

КУН ТАРТИБИ:

I. “Ўзархив” агентлигининг 2021 йил якунлари ва 2022 йилга мўлжалланган асосий истиқбол вазифалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида (Юсупов У.М.):

-амалга оширилган ишлар бўйича раҳбарлар ҳисоботи (Тошкент вилояти давлат архиви директори - Умарова М.М., Сурхондарё вилояти давлат архиви директори - Жўраева Д.Ж.).

II. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил биринчи ярим йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида (Юсупов У.М.).

III. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан ижроси ҳамда Республика архив муассасаларида ижро интизомининг ҳолати тўғрисида (Садиков Ш.Г., Анаркулова Н.У., Юсупов Д.З.).

IV. Андижон, Навоий ва Хоразм вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари ва уларнинг тизимидаги давлат архивларида ўтказилган ўрганишлар тўғрисида (Юсупов У.М., Хожибоев Ш.Э., Мирзаев Л.Т., Юсупов Д.З.):

- амалга оширилган ишлар бўйича раҳбарлар ҳисоботлари (Зухриддинов Н.Н., Матрасулов Р.И.).

V. “Ўзархив” агентлиги тизимида коррупцион иллатларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш ҳолати тўғрисида (Юсупов У.М., Мирзаев Л.Т.).

VI. “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимида маълумотлар киритишни жадаллаштириш тўғрисида (Исаев Х.Н.).

VII. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда тасдиқланган “Ўзархив” агентлигида маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича 2021 йил учун “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида (Юсупов У.М., Турсунбаев Ш.М.).

VIII. Турли масалалар.

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Архив ишини ривожлантириш жамғармасининг 2021 йилдаги даромадлар ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисида (Суюнов Ф.О.).

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида **қарор қилинди:**

I. “Ўзархив” агентлигининг 2021 йил якунлари ва 2022 йилга мўлжалланган асосий истиқбол вазифалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида

(Юсупов У.М., Ҳамдамов Д.Ш., Садиков Ш.Ф., Исаев Х.Н., Хожибоев Ш.Э., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Юсупов У.М.)

1. “Ўзархив” агентлигининг 2021 йил якунлари ва 2022 йилга мўлжалланган асосий истиқбол вазифалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганлиги, унга кўра, Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида **"Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари"** тамойилига асосан **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** ва уни **"Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"**да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланганлиги, **Тараққиёт стратегияси:**

инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда **адолат ва қонун устуворлиги** тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодиётни **жадал ривожлантириш** ва **юқори ўсиш суръатларини таъминлаш**;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда **умумбашарий муаммоларга ёндашиш**;

мамлакатимиз **хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат** олиб бориш тамойили асосида ишлаб чиқилганлиги;

Ўзбекистон Республикасида архив ишини ривожлантиришнинг 2021 йилга мўлжалланган режаси **21 та кўрсаткичлар** бўйича бажарилиб, шундан **19 та кўрсаткич** бўйича ошириб бажарилганлиги;

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси ҳамда унинг ишчи гуруҳи таркиблари тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари музейлари ҳамда архивлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат тарихи ва маданиятини акс эттирувчи каталогларни биргаликда нашр этиш Тараққиёт стратегиясининг 94-мақсади еттинчи хатбошисида белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикасида архив ишини ривожлантиришнинг 2021 йилга мўлжалланган режаси **21 та кўрсаткичлар** бўйича бажарилиб, шундан **19 та кўрсаткич** бўйича ошириб бажарилганлиги;

қоғоз асосидаги ҳужжатларни **таъмирлаш 254 922** **варақ (2020 йилга нисбатан ўсиш суръати 106%)**, **муқовалаш ва тикиш 90 348 с.б. (106%)**ни ташкил этганлиги;

алоҳида қимматли 30 361 қоғоз асосидаги **(104%)**, **104 с.б. кино (100%)**, **2 045 с.б. сурат (100%)** ҳужжатларини аниқлаш ишлари амалга оширилганлиги;

13 969 709 кадр (184%), **275 с.б. кино (104%)**, **22 755 х.б. сурат (102%)**, **309 с.б. овозли (102%)** ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилганлиги;

давлат архивлари томонидан 212 251 с.б. бошқарув, 967 с.б. шахсий келиб чиқиш, 47 305 с.б. шахсий таркиб, 181 с.б. илмий-техник, 283 с.б. кино, 6 061 с.б. сурат, 625 с.б. овозли ҳужжатлар қабул қилинганлиги;

шахсий таркиб давлат архивлари томонидан 9 234 с.б. бошқарув, 117 278 с.б. шахсий таркиб ҳужжатлари қабул қилинганлиги;

Ташкилот ва корхоналарнинг **давлат архивлари томонидан 214 591 с.б. бошқарув (109%)**, **3 130 с.б. илмий-техник (160%)**, **61 692 с.б. шахсий таркиб**

(112%), **123 467 с.б.** сақлаш муддати вақтинча бўлган (767%) ҳужжатлари, шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивлари томонидан эса 15 826 с.б. бошқарув (439%), **68 752 с.б.** шахсий таркиб (173%), **59 037 с.б.** сақлаш муддати вақтинча бўлган (966%) ҳужжатлари **шартнома асосида тартибга келтирилганлиги;**

“Ўзархив” агентлиги ва ҳудудий бошқармалар томонидан 2021 йил давомида **166 та** вазирлик, идора, ташкилот ҳамда корхоналарда архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан **давлат назорати** ўтказилганлиги, текширув натижасида ташкилот ва корхоналарга **40 та тақдимномалар** киритилганлиги, **3 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар** тузилиб, тегишли суд органларга юборилганлиги, 1 та текшириш материаллари жиноят аломатлари аниқланганлиги юзасидан Бош прокуратурага юборилганлиги;

республика архивлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми **35,805 млрд. сўми** ташкил этганлиги, яъни шундан **давлат архивларида 23,059 млрд. сўм сўм (149%), шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларида эса 12,745 млрд сўм (218%)** ташкил этганлиги;

“Ўзархив” агентлиги томонидан ишлаб чиқилган **4 та** Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинганлиги, жумладан,

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритиш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 68-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 августдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг архив иши ва иш юритиш соҳасидаги эксперт комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида” 538-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 сентябрдаги “Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 597-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 декабрдаги “Давлат архивлари ўқув залларида архив ҳужжатларидан фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 788-сон қарори қабул қилинганлиги;

шунингдек, **5 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директорининг 2021 йил 21 майдаги **185-сон** (рўйхат рақами 2806-1, 2021 йил 31 май), 2021 йил 21 майдаги **186-сон** (рўйхат рақами 2807-1, 2021 йил 5 июнь), 2021 йил 21 июндаги **232-сон** (рўйхат рақами 2615-1, 2021 йил 26 июнь), 2021 йил 6 сентябрдаги **316-сон** (рўйхат рақами 897-3, 2021 йил 11 сентябрь), 2021 йил 6 сентябрдаги **317-сон** (рўйхат рақами 898-3, 2021 йил 11 сентябрь) буйруқлари қабул қилиниб, Адлия вазирлигида **давлат рўйхатидан ўтказилганлиги;**

Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг **30 йиллиги** муносабати билан “**Янги Ўзбекистон архивлари**” ҳужжатли фильми тасвирга олинди ва тақдим этилди. “Ўзархив” агентлиги томонидан “**Ўзбекистон архивлари**” ахборот китоб-альбоми чоп этилди ва “**Мустақиллик 30**” веб-сайти ишга туширилганлиги;

“**E-XSUD**” ва “**Архив иши**” ахборот тизимлари ўртасида электрон ахборот тизимидан фойдаланиш имкони яратилганлиги;

My.mehnat.uz билан “Архив иши” ягона ахборот тизими интеграция қилинди ва **иш стажини тасдиқлаш хизмати** ишга туширилганлиги;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали “Яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш” ҳамда “Мавзули сўровларни ижро этиш” давлат хизматини кўрсатиш бўйича электрон хизматлари жорий этилганлиги;

архив иши ва иш юритишни янада такомиллаштириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда ўрнатилган кўрсаткичларнинг 7 нафар ходимга “Соҳа ифтихори” кўкрак нишони ҳамда 15 нафар ходим Агентликнинг идоравий мукофотлари билан тақдирланганлиги;

2021 йил 19 январда “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ва “Ўзбекистон-Исроил” дўстлик жамияти ўртасида манфаатли муносабатларни ўрнатиш ва идоралараро алоқаларни кенгайтириш ҳамкорлик Меморандуми” имзоланганлиги;

Мустақил равишда журналистлар томонидан ўтказилиб келинадиган анъанавий танловда вазирлик ва ташкилотлар, давлат ва нодавлат тузилмалари фаолиятига баҳо берилиб, журналистлар эътирофи асосида йил фаоллари аниқланди, унга кўра “Ўзархив” агентлиги “Йилнинг энг намунали давлат ташкилоти” номинациясида 2-ўрин деб топилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Архив ишини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини 2021 йилга мўлжалланган айрим кўрсаткичларни бажаришда архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан сустваликка йўл қўйилмоқда.

Тошкент вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан ташкилотлар ва корхоналарда 85 та ялпи, 50 та мавзули ўрганишлар ўтказилиши белгиланган бўлсада, 16 та ялпи, 3 та мавзули ўрганишлар ўтказилиб, режага нисбатан ялпи ўрганиш 19%га, мавзули ўрганиш 6%га бажарилганлиги жиддий камчилик деб ҳисоблансин.

Сурхондарё вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан 90 та ташкилотда ялпи ўрганиш белгиланган бўлиб, 89 та ялпи ўрганиш ўтказилган.

Шунингдек, Тошкент (Махамматов) ва Сирдарё (Юлдашев) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармаларининг ахборот хизматида масъуллар фаолияти кўрсатиш кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги томонидан қуйидагилар 2022 йилда устувор вазифалар этиб белгилансин:

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 2022 йил дастурида белгиланган топшириқларни амалга ошириш чораларини кўриш;

Давлат архивлари ўқув залларида архив ҳужжатларидан фойдаланиш бўйича руҳсатнома бериш бўйича онлайн хизматни жорий этиш;

Қорақалпоғистон Республикасида 2 та, Навоий вилоятида 2 та, Тошкент шаҳрида 1 та, Фарғона вилоятида 1 та давлат архивларининг янги биноларини фойдаланишга топшириш;

Яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш бўйича онлайн давлат хизматини ишга тушириш;

Давлат архивлари ҳамда барча вазирлик ва идоралардаги жами 1 000 нафардан зиёд ходимларни архив иши, иш юритиш ва ахборот технологиялари бўйича малака оширишларини ташкил этиш;

Архивларда **210 минг** сақлов бирлигидаги **12,6 миллион** варақни рақамлаштириш, яъни алоҳида қимматли ҳужжатларга нисбатан электрон шаклга ўтказиш кўрсаткичини **41 фоизга** етказиш ҳамда улардан аҳолини кенг фойдаланиши учун имконият яратиш;

Давлат архивларида рақамлаштирилган архив ҳужжатларини марказлашган ҳолда сақлаш, фойдаланиш ва ҳисобини юритишга мўлжалланган **ахборот тизимини маълумотлар билан тўлдиришни жадаллаштириш**;

Исроил Давлатидаги “Яд Вашем” миллий ёдгорлиги архиви ўртасида архив иши соҳасида **ҳамкорлик Меморандумини имзолаш** ҳамда Ўзбекистонга тегишли архив ҳужжатлари **нухаларини олиб келиш**.

4. Тошкент (**Умарова**) ва Сурхондарё (**Джураева**) вилоятлари давлат архивлари директорларининг 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлари **маълумот учун қабул қилинсин**.

5. Тошкент (**Махамматов**) ва Сурхондарё (**Абдушукуров**) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари белгиланган режалар бажарилмаганлиги учун **огоҳлантирилсинлар**.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари 2022 йилга белгиланган асосий кўрсаткичлар режаларнинг бажарилишини қатъий назоратга олсинлар.

II. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил биринчи ярим йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида

(Юсупов У.М., Ҳамдамов Д.Ш., Садиқов Ш.Ф., Исаев Х.Н., Ҳожибоев Ш.Э., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Юсупов У.М.)

7. “Ўзархив” агентлиги директори У.М.Юсуповнинг Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил биринчи ярим йиллик иш режасини тасдиқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 20 январдаги 8-сон баёни тўғрисидаги ахбороти **маълумот учун қабул қилинсин**.

8. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг **2022 йил I ярим йиллигига мўлжалланган асосий иш режаси 1-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

9. “Ўзархив” агентлиги, унинг тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон миллий архивлари ва Агентлик ҳузуридаги Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказининг 2022 йилдаги устувор вазифалари этиб белгилансин:

“Инсон-жамият-давлат” тамойили асосида фаолиятни йўлга қўйиш;

“Инсон қадри учун” тамойили бўйича фуқароларга хизмат кўрсатишнинг замонавий услубидан фойдаланишни кенга тарғиб этиш;

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 6 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом

эттирамиз” номли маърузаларида соҳага оид йўналишларда фаолиятни йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро интизомини мустаҳкамлаш, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ташкил этишда барча даражалардаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш бўйича 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ижросини тўлақонли таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорларида;

республика ҳудудларидаги учрашувлар ва йиғилишлардаги маърузаларида; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ҳокимликлар раҳбарларининг Давлатимиз Раҳбари ҳузуридаги ҳисоботлари бўйича 2022 йил ва келгуси йиллар учун истиқбол режаларнинг, топшириқларнинг устуворликлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2020 йил 21 январдаги қўшма мажлисида тақдим этилган Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурида белгиланган устувор вазифалар.

10. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази директори:

уч кун муддатда 2022 йилнинг I ярим йиллигига мўлжалланган Асосий иш режасини ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқласинлар;

иш режаларини ишлаб чиқишда “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил I ярим йилликка мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифаларни назарда тутсинлар;

бир ҳафта муддатда бажарилган ишлар юзасидан Агентликка электрон шаклда ахборот киритсинлар.

III. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан ижроси ҳамда Республика архив муассасаларида ижро интизомининг ҳолати тўғрисида

(Юсунов У.М., Ҳамдамов Д.Ш., Садиқов Ш.Ф., Исаев Х.Н., Ҳожибоев Ш.Э., Юсунов Д.З., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Юсунов У.М.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш, назорат қилиш, “Ўзархив” агентлиги ҳамда Агентлик тизимидаги ташкилотларда ижро интизомини мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини кучайтириш масалалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ижро интизоми масалалари бўйича ПФ-6166-сон Фармон ва 31 майдаги “Ijro.gov.uz” тизимида топшириқлар ижросини назоратини ташкил этишнинг янгича механизмини белгилаб берувчи ПҚ-5132-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 12 январдаги 4-сон баёни ижроси тўғрисида

11. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиқовнинг Республика архив муассасаларида ижро интизомининг ҳолати, тўғрисида, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш, назорат қилиш, “Ўзархив” агентлиги ҳамда Агентлик тизимидаги ташкилотларда ижро интизомини мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини кучайтириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ижро интизоми масалалари бўйича ПФ-6166-сон Фармон ва 31 майдаги “Ijro.gov.uz” тизимида топшириқлар ижросини назоратини ташкил этишнинг янгича механизмининг белгилаб берувчи ПҚ-5132-сон қарори асосида олиб борилаётганлиги;

Фармон ва қарорда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар ижро этилишини таъминлаш мақсадида тегишли назорат режалари ва календарь-графиклар тасдиқланганлиги;

Фармонда белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан жами 8 та ҳужжатлар қабул қилинганлиги (2-илова);

янги тизимнинг мазмун-моҳияти юзасидан Агентлик марказий аппарати ва тизим ташкилотларида тушунтириш ишлари олиб борилганлиги, жумладан:

2021 йил 4 март куни Андижон вилояти, Андижон шаҳар “Ҳамкор бизнес центр” меҳмонхонасида Агентлик тизимида фаолият олиб бораётган 50 дан ортиқ ижро интизомига масъул ходимларига офлайн тарзда 100 нафар ходимларга онлайн тарзда семинар ташкил этилганлиги;

2021 йил 12 март куни Ўзбекистон Миллий архиви 2-биноси мажлислар залида “Ўзархив” агентлиги марказий аппарати ходимлари ҳамда Ўзбекистон миллий архивлари директорлари ва ижро интизомига масъул 30 дан ортиқ ходимларига семинар ташкил этилганлиги;

2021 йил 19 март куни Ўзбекистон Миллий архиви 2-биноси мажлислар залида “Ўзархив” агентлиги тизимидаги давлат архивлари директорлари ва ижро интизомига масъул 100 дан ортиқ ходимларига онлайн тарзда семинар ташкил этилганлиги;

2021 йил 26 март куни Ўзбекистон Миллий архивида “Ўзархив” агентлиги тизимидаги шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивлари директорлари ва ижро интизомига масъул 100 дан ортиқ ходимларга онлайн тарзда семинар ташкил этилганлиги;

2021 йил давомида ҳар бир вилоят кесимида Фармоннинг мазмун моҳияти ва унда белгиланган вазифа, топшириқларнинг ижроси бўйича тушунтириш ишлари ҳамда тизимдан фойдаланиш кўникмаларини ошириш юзасидан семинарлар ташкил этилганлиги;

ҳужжатлар ва топшириқларнинг ижро ҳолати “Ўзархив” агентлигининг марказий аппарати тизимли равишда ҳафтада **2 мартаба** (жума ва душанба) танқидий муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли топшириқлар бериб борилаётганлиги;

ҳар ҳафта душанба куни “Ўзархив” агентлиги марказий аппарати йиғилишида ҳужжатлар ва топшириқларнинг ижро ҳолати танқидий кўриб чиқиляётганлиги;

бундан ташқари, 2021 йил давомида ҳар ойнинг якуни бўйича “Ўзархив” агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари бошлиқлари ва мутахассисларининг ҳисоботлари эшитилаётганлиги;

“Ўзархив” агентлиги томонидан 2021 йил давомида тизим ташкилотлар ва ҳудудий бошқармаларида ижро интизоми ҳолати бўйича **жами 9 та** ўрганишлар ўтказилганлиги;

ушбу ўтказилган ўрганишлар натижасида иш юритиш ва ижро интизомини бузганлиги учун **40 нафар** (34 та ҳайфсан, 5 та жарима, 1 та эгаллаб турган лавозимидан озод этилган) масъул ходимларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида тасдиқланган “йўл хариталари”да белгиланган вазифаларнинг тегишли бандлари бўйича “Ўзархив” агентлигининг 2021 йил 15 февралдаги 45-сон буйруғи билан “йўл харитаси” тасдиқланганлиги.

Фармон ижроси юзасидан тасдиқланган “йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида ҳисоботлар тайёрланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартдаги 171-сон қарори ижроси юзасидан “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизим ташкилотлари ва ҳудудий бошқармаларига ижро интизомига масъул ходимларни лавозимга тайинлашнинг янги амалиёти жорий этилганлиги;

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритишдан олдин “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарлари ва масъул ходимлари ҳузурида кўриб чиқиш ва ҳимоя қилиш амалиёти жорий этилганлиги;

“Ўзархив” агентлиги директори ва директор ўринбосарларининг ойлик, марказий аппарат ходимлари, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон миллий архивлари директорларининг чораклик шахсий иш режаларини тасдиқлаш тизими жорий қилинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги янги “Ijro.gov.uz” тизими бўйича ПҚ-5132-сон қарори ижроси бўйича “Ўзархив” агентлигида ҳар ой топшириқлар ижро ҳолати танқидий таълил қилинган ҳолда маълумотлар тайёрланиб Агентликнинг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилишларида кўриб борилаётганлиги;

“Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган ҳар бир топшириқ ижроси юзасидан назорат олиб борилиб топшириқнинг ижро муддати келишидан камида 5 кун олдин тегишли маълумотлар тизимга бириктирилиб ижродан ечиш чоралари кўриб келинаётганлиги;

Давлат органлари ва ҳудудлар раҳбар ўринбосарлари иш самарадорлиги натижаларини баҳолаш (KPI) тимини жорий қилиш мақсадида 2021 йил июль ва август ойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та қарори қабул қилинганлиги;

ушбу қарорларга мувофиқ “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг иш самарадорлиги натижаларини баҳолаш (KPI) тимини жорий қилинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-616-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори талабларига мувофиқ “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган топшириқларнинг 2021 йил давомидаги ижро ҳолати батафсил таҳлил қилинганлиги;

“Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган ва 2021 йилда бажарилиши лозим бўлган топшириқлар сони жами **55** тани ташкил этганлиги, топшириқларнинг барчаси белгиланган муддатларда ижроси таъминланганлиги;

2021 йил давомида Агентликка келиб тушган ҳужжатлар **3377** тани, юборилган ҳужжатлар **1687** тани ташкил этганлиги, **414** та асосий фаолиятга оид, **220** та шахсий таркибга оид буйруқлар ва **25** та фармойишлар ишлаб чиқилганлиги;

ҳисобот даврида Агентлик томонидан 305 та, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари (45 та), Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари (44 та), Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари (98 та), Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойишлари (1 та), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари (117 та) ижроси юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги тизимидаги Архив иши ҳудудий бошқармалари ва Ўзбекистон миллий архивлари томонидан 2021 йил давомида 4520 та Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишларини қабул қилганлиги ва ижрога йўналтирилганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 12 январдаги 4-сон баёни **маълумот учун қабул қилинсин.**

12. Шу билан бирга, айрим раҳбарлар томонидан ижро интизомини таъминлашда сусткашликка йўл қўйиб келмоқда.

“Ўзархив” агентлиги директорининг 2019 йил 4 декабрдаги 01-26/1013-сон топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва “Ўзархив” агентлиги томонидан юборилган топшириқлар ижросини мониторинг қилиш юзасидан ҳисоботларни ҳар ойнинг 5 санасига қадар Агентликка киритилиши белгиланган бўлишига қарамасдан, Сирдарё (У.Юлдашев), Сурхондарё (Б.Абдушукуров), Тошкент (А.Махамматов) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари ва Ўзбекистон Миллий архиви (Закирова) томонидан ҳисоботларни ўз вақтида киритмаётганликлари жиддий камчилик сифатида қабул қилинсин.

13. “Ўзархив” агентлиги директор ўринбосарлари (Ш.Садиков ва Х.Исаев) ҳамда масъул ходимлар “Ijro.gov.uz” тизимида ҳаққоний бўлмаган маълумотларни киритишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш учун шахсан масъул эканлиги ҳамда мазкур ҳолатларга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига тақдимнома киритилиши бўйича огохлантирилсинлар.

14. “Ўзархив” агентлиги директор ўринбосарлари (Ш.Садиков ва Х.Исаев) ҳамда Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Д.Юсупов):

“Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган топшириқлар ижроси амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этиш, бунда “Ўзархив” агентлиги марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалар ҳамда қуйи бўғинларда ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга эътибор қаратилиши;

топшириқларни бажариш бўйича назорат ва ҳисобдорликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан белгиланган тартибга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этсинлар.

15. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарлари (Ш.Садиков ва Х.Исаев) ҳамда бош мутахассис (Л.Мирзаев) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш, пухта молиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда белгиланган муддатларда киритилишини таъминласинлар.

16. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарлари (Ш.Садиков ва Х.Исаев), барча масъул ходимлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон миллий архивлари директорлари:

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларда белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш чораларини кўрсинлар;

Агентлик директори буйруқлари, фармойишлари ҳамда барча турдаги топшириқларини ижросини ўз вақтида ҳамда сифатли таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори талабларига мувофиқ иш юритиш ва ижро интизоми ҳамда ҳужжатлар айланмасини электронлаштирилганлигини инобатга олган ҳолда иш юритиш йўриқномаларига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

17. Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Д.Юсупов) юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалар ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйган раҳбар ва масъул ходимларни интизомий жазога тортиш юзасидан таклиф киритсин.

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ижроси ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг
2022 йил 26 январдаги 13-сон баёни тўғрисида**

18. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 26 январдаги 13-сон баёни тўғрисида, хусусан:

“Ўзархив” агентлиги раҳбарияти томонидан 2021 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги шаҳар ҳамда туманларда жисмоний ва юридик шахсларни сайёр қабули жадвалига асосан 30 та сайёр ва шахсий қабуллар ўтказилиб, уларда 168 нафар фуқаролар мурожаатлари кўриб чиқилганлиги;

Агентликка жорий йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами 850 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси орқали 706 та, ишонч телефони орқали 8 та, ёзма тарзда 136 та мурожаатлар келиб тушганлиги;

республика давлат архивларига жами жисмоний ва юридик шахслардан 4 157 та (2020 йилда 1 951 та, ўсиш суръати 212%) мурожаатлар келиб тушганлиги ҳамда ўрнатилган тартибда кўриб чиқилганлиги;

2021 йил давомида Республика архивларига 635 266 та ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги (2020 йилда 418 223 та, ўсиш суръати 151%) сўровлар (шундан давлат архивларига 326 109 та, шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларига 309 157 та) келиб тушган.

Давлат хизматлари марказлари (ДХМ) ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали 450 719 та, Почта ва электрон почта орқали 38 905 та ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар келиб тушган бўлса, 145 642 нафар фуқаро бевосита архивга мурожаат этган. Архив ҳужжатлари асосида 461 411 та сўровлар ижроси бажарилиб, улардан 430 785 таси ижобий, 30 626 таси бўйича эса тегишли кўрсатма ва тушунтиришлар берилган. Ташкилот ҳужжатлари архив сақловига келиб тушмаган ва тааллуқлиги бўйича тегишли ташкилотларга юборилган сўровлар сони 167 149 тани ташкил этганлиги;

Агентлик тизимидаги архив муассасаларида бугунга қадар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда камчилик ҳамда ҳуқуқбузарликка йўл қўйганликлари учун 31 нафар раҳбар ва масъул ходимлар интизомий жавобгарликка тортилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йилга мўлжалланган Иш режасига мувофиқ 2021 йилнинг IV чорагида “Ўзархив” агентлигида мурожаатлар билан ишлашнинг ҳолати мақсадли ўрганилганлиги, ўрганиш натижаси бир қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги, “Ўзархив” агентлигида мурожаатларнинг сони 2,4 баробарга ошганлиги;

Агентлик тизимида шахсий ва сайёр қабулларнинг натижадорлиги пастлиги, мурожаатлар сони кўпайганлиги, ўрганишлар ўтказилмаганлиги, назорат ишлари талаб даражасида олиб борилмаганлиги кўрсатиб ўтилганлиги;

Агентлик директори маслаҳатчилари томонидан биронта ҳам жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинмаганлиги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳар доим ҳам белгиланган муддатларда тўлиқ ва пухта кўриб чиқилмаганлиги, мурожаат этувчиларга етарлича тушунтиришлар берилмаганлиги сабабли агентликка 9 та такрорий мурожаатлар келиб тушганлиги,

хусусан, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманида яшовчи фуқаро Б.Мўминованинг отасининг пенсия миқдори камлиги сабабли архив маълумотларидан нусха олиш тўғрисидаги мурожаати тўлиқ кўриб чиқилмаганлигидан норози бўлиб, такроран мурожаат қилганидан сўнг масаласини ҳал этиш чоралари кўрилганлиги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунда белгиланган муддатларга амал қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлиги, жумладан, Самарқанд вилояти, Жомбой туманида яшовчи фуқаро Д.Зиятованинг архив маълумотномасини олиш масаласидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаати Агентлик томонидан (ушбу мурожаат тўғридан тўғри Самарқанд вилоят давлат архивига келиб тушган ва муддат бузилиши ҳолати юзасидан Самарқанд вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан Самарқанд вилоят давлат архивига огоҳлантириш берилган) 4 кунга кечиктириб кўриб чиқилганлиги;

Фарғона (**Маллаев**) вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 30 июлдаги 02-РА-1/1-1247-сон топшириғига асосан вазирликларда ҳар ҳафтада камида бир марта мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини муҳокама қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш белгиланган бўлсада, ушбу топшириқ ижроси тўлиқ таъминланмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2021 йил 7 августдаги 18/2-344-сонли топшириғига асосан сайёр қабуллар аҳволини танқидий кўриб чиқиш, самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, энг кўп тушаётган ҳамда ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлаётган масалаларни раҳбар ҳузурида муҳокама қилиб, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда мурожаатлар билан ишлаш натижалари юзасидан матбуот хизматлари фаолиятини жонлантириш белгиланган бўлсада, амалда ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш чоралари кўрилмаганлиги;

Бошқарманинг иш режаларига мурожаатлар бўйича таҳлиллар ўтказиш, ушбу соҳага оид муаммо ва камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш ва келгусида уларга йўл қўймаслик чораларини белгилаш, туман архивларида мурожаатлар бўйича ўрганишлар ўтказиш ва натижаларини йиғилишларида муҳокама қилиш каби долзарб масалалар киритилмаганлиги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини рўйхатга олиш китоблари тўлиқ юритилмаганлиги, уларни кўриб чиқиш натижалари киритилмаганлиги;

хар чорак яқунлари бўйича мурожаатларнинг кўриб чиқилиши аҳволи юзасидан умумлаштириш, таҳлил қилиш ишлари етарли даражада амалга оширилмаганлиги;

хусусан, таҳлилий жадвалларга мурожаатчиларнинг тоифалари, шакллари, шаҳар ва туманлардан келиб тушган мурожаат сони, такрорий мурожаатлар, сайёр қабуллар ва уларда қатнашган фуқаролар тўғрисида маълумотлар киритилмаганлиги;

Сурхондарё (**Абдушукуров**) вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан:

рўйхатга олинган мурожаатларга раҳбарият томонидан имзоланган резолюцияларда умумий мазмундаги топшириқлар белгиланганлиги, масъул ижрочилар ва аниқ муддатлар кўрсатилмаганлиги;

ҳудудларда сайёр қабулларни ташкил этиш, жойларда бўлган тизимли муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмаганлиги;

жумладан, 2021 йилда ҳудудий бошқармаси раҳбарияти томонидан жойларда бирор марта ҳам сайёр қабуллар ўтказилмаганлиги;

5 та туман архивларида ўрганишлар ўтказилганлиги, бор йўғи 8 та муаммо аниқланганлиги, ўтказилган ўрганишларнинг номига амалга оширилганлиги;

муурожаатлар билан ишлашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, муурожаатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётганлиги **жиддий камчилик сифатида қабул қилинсин.**

20. Сурхондарё (**Абдушукуров**), Фарғона (**Маллаев**) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда сусткашликка йўл қўйилганликлари учун **жиддий огоҳлантирилсинлар.**

21. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизим ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг аҳволини танқидий кўриб чиқиш, натижадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

22. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Ш.Садиқов), бўлим бошлиғи (Н.Анарқулова) Сурхондарё (Б.Абдушуқуров), Фарғона (Маллаев) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари:

ўн кун муддатда юқорида кўрсатиб ўтилган хато ва камчиликларни бартараф қилиши чораларини кўрсинлар;

бир ҳафта муддатда мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини бошқармаларнинг дирекция йиғилишларида танқидий кўриб чиқсинлар, масъул ходимларга нисбатан тегишли чораларни кўрсинлар;

бир ҳафта муддатда ўрганишда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва келгусида шу қаби салбий ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш бўйича аниқ вазифаларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсинлар ва бажарилишини таъминласинлар.

23. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Ш.Садиқов), бўлим бошлиғи (Н.Анарқулова), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Миллий архивлари ва Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари “Ўзархив” агентлиги, унинг ҳудудий ва тизим ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тизимли ташкил этиш, мурожаатларни кўриб чиқишнинг натижадорлигини таъминлаш учун:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш чораларини кўрсинлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар бир мурожаатини ўз вақтида, қонунчилик талабларига қатъий амал қилган ҳолда кўриб чиқилиши юзасидан янада талабчанликни кучайтирсинлар;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг, шунингдек такрорий мурожаатларнинг кўпайиши сабабларини ўрганиш ҳамда келгусида уларни камайтириш, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларининг асоссиз бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўрсинлар;

жойлардаги тизимли муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал этиш чораларини кўрсинлар, мурожаатларни, айниқса такрорийларининг ҳар бирини, ўз вақтида сифатли кўриб чиқиш юзасидан назорат ишларини кучайтирсинлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда масъулиятсизлик ва юзакчиликка йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан кескин чоралар кўрсинлар;

раҳбарлар томонидан жойларда жисмоний ва юридик шахсларнинг (вакиллари) билан тасдиқланган жадвал асосида сайёр қабуллар ўтказиш амалиётини давом эттирсинлар, қабулларда кўтарилган масалалар ўз вақтида тўлиқ ва сифатли кўриб чиқилишини таъминласинлар, муаммоларни имкон қадар жойида ҳал этиш чораларини кўрсинлар;

ҳайъат, дирекция йиғилишларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ишларнинг аҳволини мунтазам муҳокама этиб бориш ва тегишли таркибий тузилмаларда мониторинглар ўтказсинлар, қонунда белгиланган талабларни бузган масъул ходимларга нисбатан кескин чоралар кўриб борсинлар;

муурожаатлар бўйича иш юритишни янада такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш, муурожаатлар

билан ишлаш бўйича масъул ходимларнинг малакасини ошириш чораларини кўрсинлар;

тизим ташкилотларига нисбатан мурожаатлар билан ишлаш бўйича талабчанликни ошириш, уларга доимий амалий ёрдамлар кўрсатиш ва тавсиялар бериб бориш чораларини кўрсинлар.

24. Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари (Ш.Садиқов), бўлим бошлиғи (Н.Анаркулова):

жорий йилнинг 7 февралига қадар 2022 йил I ярим йиллик учун тасдиқланган мурожаатлар билан ишлаш бўйича иш режасини, сайёр қабуллар, ўрганишлар ўтказиш графигини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига юборилишини ва уларнинг ўз вақтида бажарилиши таъминлаш чораларини кўрсинлар;

2022 йил 2 апрелгача жорий йилнинг I чораги якунлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан бажарилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисоботлар киритилишини таъминласинлар.

IV. Андижон, Навоий ва Хоразм вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари ва уларнинг тизимидаги давлат архивларида ўтказилган ўрганишлар тўғрисида

(Юсунов У.М., Хамдамов Д.Ш., Садиқов Ш.Ф., Исаев Х.Н., Хожибоев Ш.Э., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Зухриддинов Н.Н., Матрасулов Р.И., Юсунов У.М.)

25. “Ўзархив” агентлиги архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорати бўлими бошлиғи Ш.Хожибоевнинг Андижон, Навоий ва Хоразм вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари ва уларнинг тизимидаги давлат архивларида ўтказилган ўрганишлар тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Агентликнинг 2021 йил 22 ноябрь 193^ш-сон буйруғига асосан 2021 йил 29 ноябрдан 7 декабрга қадар Андижон, Навоий ва Хоразм вилоятларида ўрганишлар ўтказилганлиги, мазкур вилоятларда архив ҳужжатларининг қимматлилигини экспертиза қилиш, архив хизматларини кўрсатиш, шунингдек, давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган пулли хизматларнинг ягона нархномасини амалиётга қўллаш ҳолатини, шунингдек, иш юритиш ва ижро интизоми, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ижроси бўйича бир қатор ишлар амалга оширилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

26. Ўрганиш натижаларига кўра бир қатор камчиликлар аниқланганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган Архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 13-банди тўртинчи хатбошида **ушбу соҳада ишлаш учун аттестациядан ўтмаган**, шунингдек архивларнинг мутахассислари бўлмаган ёки ушбу архив билан меҳнат шартномаси тузмаган мутахассислар томонидан ташкилотларнинг ҳужжатларини тартибга солиш йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлсада, **Нурота тумани давлат архиви архивчиси И.Шамсиддинова Қасбий компетентлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлмай туриб, у томонидан Нурота тумани 17-сон умумий ўрта таълим мактабининг 2006-2019 йилларга оид бошқарув ҳужжатларини тартибга келтирганлиги;**

Хоразм вилояти давлат архиви фонд сақловчиси М.Хаитбаева Касбий компетентлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлмай туриб, у томонидан “Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон “Сифат” пахта маҳсулотларини сертификатлаштириш маркази Хоразм ҳудудий лабораториясига тегишли ҳужжатларининг қимматлигини аниқлаш экспертизасини ўтказилган ва ўрнатилган тартибга риоя этилмаганлиги;

шунингдек, Хонқа тумани давлат архиви томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг 2004 йилга оид ҳужжатларининг қимматлигини аниқлаш экспертизаси ўтказилган бўлсада, бироқ, Ҳужжатларнинг қимматлигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2347, 2012 йил 29 март) талабларига риоя этилмаганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни 24-моддаси биринчи қисми тўртинчи хатбошисида туман ва шаҳар бўйсунувидаги давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг архив ҳужжатлари – беш йил мобайнида идоравий архивларда вақтинча сақлаш белгиланган бўлсада, Қўшқуписр тумани солиқ инспекциясининг 2016-2017 йилларга оид бошқарув ҳужжатларини Хива шаҳар давлат архивига қабул қилишда депозитар сақлов бўйича шартнома тузилмасдан қабул қилинган ва Давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган пулли хизматларнинг ягона нархномасига риоя этилмаганлиги;

Андижон вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси тизимидаги давлат архивларининг жамлаш манбаига киритилган **770 та** корхона муассаса ва ташкилотлардан 1992-2015 йилларга оид идоравий сақлаш муддатлари тугаган **9 202 с.б.** бошқарув ҳужжатлари тегишли давлат архивларига қабул қилинмаганлиги, Бошқарма томонидан идоравий сақлаш муддати ўтган ҳужжатларни ўз вақтида давлат архивларига қабул қилиниши бўйича чора-тадбирларни амалга оширмаганлиги;

Андижон вилояти давлат архивига 2021 йил 9 ойлиги давомида жами **13 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, мазкур мурожаатлар йиғмажилдлари кўриб чиқилганда, айримларига раҳбар томонидан резолюция қўйилмаганлиги, айримларида назорат карточкалари юритилмаганлиги **жиддий камчилик сифатида қабул қилинсин.**

27. Андижон (Зухриддинов), Навоий (Бекова), Хоразм (Матрасулов) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари:

давлат архивларида меҳнат фаолиятини олиб боровчи ходимлар ва фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида ишловчилар томонидан ташкилот ва корхоналар ҳужжатларини тартибга келтиришда, уларнинг Касбий компетентлик тўғрисидаги гувоҳномалари мавжудлигини, муддати ўтмаганлигини доимий хатловдан ўтказиб борсинлар;

Ҳужжатларни тартибга келтиришда Ҳужжатларнинг қимматлигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2347, 2012 йил 29 март) талабларига қатъий риоя этиш чораларини кўрсинлар;

ташкилот ва корхоналардаги идоравий сақлов муддати тугамаган ҳужжатларни қабул қилишда ўрнатилган тартибда депозитар сақлов бўйича шартнома асосида қабул қилиш чораларини кўрсинлар;

ташкилот ва корхоналардаги идоравий сақлов муддати тугаган архив ҳужжатларини ўрнатилган тартибда қабул қилиш чораларини кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори талабларига мувофиқ иш юритиш ва ижро интизоми ҳамда ҳужжатлар айланмасини электронлаштирилганлигини инобатга олган ҳолда иш юритиш йўриқномаларига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар;

жорий йилнинг 10 февралига қадар амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни Агентликка киритсинлар.

28. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари директорлари, архивлар томонидан соҳага оид хизматлар кўрсатишда, ҳужжатларнинг қимматлилигини экспертизасини амалга оширишда Ҳужжатларни тартибга келтиришда Ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига, Давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган пулли хизматларнинг ягона нархномасига қатъий риоя этиш чораларини кўрсинлар.

V. “Ўзархив” агентлиги тизимида коррупцион иллатларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш ҳолати тўғрисида

(Юсунов У.М., Хамдамов Д.Ш., Садиқов Ш.Ф., Исаев Х.Н., Хожибоев Ш.Э., Мирзаев Л.Т., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Юсунов У.М.)

29. “Ўзархив” агентлиги бош мутахассиси Л.Мирзаевнинг “Ўзархив” агентлиги тизимида коррупцион иллатларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш ҳолати тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Агентликнинг 2021 йил 27 августдаги 311-сон буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигида коррупцияга қарши ички назорат сектори ташкил этилганлиги;

Агентликнинг 2021 йил 22 сентябрдаги 342-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг Коррупцияга қарши ички назорат тuzилмаси низоми тасдиқланганлиги;

Агентликнинг 2021 йил 27 октябрдаги 367-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизимидаги ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича 10 та ички меъёрий ҳужжатлар тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги;

“Ўзархив” агентлигининг Коррупциявий хавф-хатарлар бирлашган харитаси, коррупцияга қарши курашиш дастури, Коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати тасдиқланганлиги;

“Ўзархив” агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ-5263-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сон Фармони, 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ-4463-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарори ва “Ўзархив” агентлиги Бош директорининг 2007 йил 17 июль 18-сон буйруғи (*рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август*) коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

30. Шу билан бирга, “Ўзархив” агентлигининг Ишчи гуруҳ томонидан 2021 йил 1-2 декабрь кунлари Бухоро вилояти Шофиркон тумани давлат архивида

комплекс ўрганиш ўтказилган бўлиб, ўрганиш натижалари бўйича **бир қатор камчиликлар аниқланганлиги**;

хусусан, пулли хизматлар кўрсатилишида амалдаги тартиб бузиб келинганлиги, ваколатига кирмайдиган вазифалар ва хизматлар бўйича шартномалар тузишга йўл қўйилганлиги, иш юритиш ва ижро интизоми **қонунчиликка мувофиқ ташкил этилмаганлиги**;

қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйилган бўлсада, иш берувчи томонидан архив ходимларига нисбатан ҳеч қандай таъсир чоралар кўрилмаганлиги;

бунинг оқибатида архивда манфаатлар тўқнашуви хавфи вужудга келганлиги, аниқланган барча ҳолатлар архив директорининг мансаб мажбуриятларини лозим даражада бажаришига салбий таъсир кўрсатганлиги ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, архивнинг, давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келганлиги ёки юзага келиши мумкин бўлган **вазият ҳосил бўлганлиги**;

Ўрганиш натижаларига кўра, Бухоро вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси томонидан туман давлат архивига янги директор тайинланганлиги **маълумот ва хулоса чиқариш учун қабул қилинсин.**

31. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Миллий архивлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари:

Агентлик тизимидаги барча даражадаги ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул шахслар бириктириш чораларини кўрсинлар, масъул шахсларни тайинлашда юзакчиликка йўл қўймасинлар;

архивларда манфаатлар тўқнашуви хавфи вужудга келишини олдини олиш, юзага келган тақдирда дарҳол бартараф қилиш чораларини кўрсинлар;

фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва мавзули сўровларини бажаришда қатъий тартибда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 августдаги 495-сон ва 2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарорларига риоя этсинлар, архивлар томонидан фуқароларни бевосита қабул қилишга чек қўйсинлар (*мазкур регламентларда назарда тутилмаган ҳолатлар бундан мустасно*);

барча раҳбарлар ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича шахсан жавобгар эканлиги ҳақида огохлантирилсинлар;

икки ҳафта муддатда амалга оширилган ишлар тўғрисида Агентликка асослантирилган маълумотларни тақдим этсинлар.

VI. “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотлар киритишни жадаллаштириш тўғрисида

(Юсупов У.М., Хамдамов Д.Ш., Садиков Ш.Ф., Исаев Х.Н., Хожибоев Ш.Э., Анаркулова Н.У., Юсупов Д.З., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Юсупов У.М.)

32. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Х.Исаевнинг “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимига маълумотлар киритишни жадаллаштириш тўғрисидаги ахбороти, хусусан;

2021 йилда “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимини ишлаб чиқилганлиги;

Ўзбекистон миллий архивлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари ва уларнинг тизимидаги давлат архивларининг масъул ходимлари иштирокида (ҳар бир ҳудуд кесимида) ўқув машғулотлари ўтказилганлиги;

Давлат архивлари томонидан архив ҳужжатларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш) ишлари жадал олиб борилаётганлиги;

бугунги кунга қадар давлат архивлари томонидан жами **35,43 млн. кадр архив ҳужжатлари** рақамлаштирилганлиги;

йиллик режанинг бажарилиши таҳлил натижасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси (**1,4 млн. кадр, режага нисбатан 105,4 %**), Андижон (Зухриддинов, **1,6 млн. кадр, 190,7 %**), Бухоро (Аминов, **1,4 млн. кадр 103,1%**), Жиззах (Усмонов, **0,5 млн. кадр 101,6%**), Қашқадарё (Бобокулов, **0,9 млн. кадр, 102,9%**), Навоий (Бекова, **0,06 млн. кадр, 103,1%**), Наманган (Ахмадалиев, **2,1 млн. кадр, 173,5%**), Самарқанд (Маматов **0,9 млн.**, кадр, **106,7%**), Сурхондарё (Абдушукуров, **1,3 млн. кадр, 107,1%**), Сирдарё (Юлдашев, **0,7 млн. кадр**), Фарғона (Маллаев, **1,1 млн. кадр, 100,7%**), Хоразм (Матрасулов, **0,4 млн. кадр, 83,1%**), Тошкент (Махамматов, **0,7 млн. кадр, 87,5%**) вилоятлари, Тошкент шаҳар (Кучарова, **0,2 млн. кадр, 107,6%**) архив иши ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Миллий архиви (Закирова, **0,2 млн. кадр, 131,0%**), Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви (Ахмедов, **0,7 млн. кадр, 103,9%**), Ўзбекистон Кинофотофоно миллий архиви (Махкамов, **0,02 млн. кадр, 100,1%**) томонидан 2021 йилда **14,3 млн. архив ҳужжатлари рақамлаштирилиб**, 2021 йилга мўлжалланган режа **116 фоиз (%)**га ошириб бажарилганлиги;

ўтказилган мониторинг натижасига кўра, 2022 йил 27 январь ҳолатига, Агентлик тизимидаги архивлар томонидан тизимга **31 955 та фонд, 15 363 та рўйхат ва 1 309 сақлов бирлиги** тўғрисидаги маълумотлар киритилганлиги, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси (2321 та фонд), Андижон (2307 та фонд), Бухоро (3224 та фонд), Жиззах (1123 та фонд), Қашқадарё (2172 та фонд), Навоий (2957 та фонд), Наманган (1616 та фонд), Самарқанд (1906 та фонд), Сурхондарё (2564 та фонд), Сирдарё (1045 та фонд), Фарғона – (3857 та фонд), Хоразм (2288 та фонд), Тошкент вилояти (611 та фонд), Тошкент шаҳар (608 та фонд), Ўзбекистон Миллий архиви (2 924 та фонд) ИТТХ Миллий архиви (634 та фонд) томонидан тегишли маълумотлар киритилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

33. Айрим архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан архив ҳужжатларини рақамлаштириш ишларини амалга оширишда ва фондлар тўғрисидаги маълумотларни тизимга киритишда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кузатилмоқда.

Хусусан, ҳужжатларини рақамлаштириш ишларини амалга оширишда Хоразм (Матрасулов, **0,4 млн. кадр, 83,1%**), Тошкент (Махамматов, **0,7 млн. кадр, 87,5%**) вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан 2021 йилга белгиланган режа бажарилмаганлиги;

Жиззах (Ё.Усмонов, Ғаллаорол тумани – 1 та), **Қашқадарё** (С.Бабакулов, Косон тумани – 30 та), Наманган (Н.Ахмадалиев, Косонсой тумани – 21 та, Чуст тумани – 5 та), **Сурхондарё** (Б.Абдушукуров, Музработ тумани – 25 та, Сарийосиё тумани – 0) **Сирдарё** (У.Юлдашев, Сирдарё тумани – 0, Янгиер шаҳар – 0), **Тошкент** (А.Махамматов, Тошкент вилояти давлат архиви – 1 та, Олмалик тумани – 35 та, Қибрай тумани – 16 та, Чирчиқ шаҳар– 5 та) вилоятлари архив иши

худудий бошқармалари томонидан тизимга фондлар тўғрисидаги маълумотларни киритишда суствашликка йўл қўяётганлиги **кўрсатиб ўтилсин**.

34. Ўзбекистон миллий архивлари ва республика давлат архивларининг 2021 йил мобайнида ойлик кесимда рақамлаштириш бўйича режасини бажармаганлиги учун Хоразм (**Р.Матрасулов**), Тошкент (**А.Махамматов**) вилоятлари архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари, шунингдек Беруний (**М.Юлдашев**), Музработ (**Ш.Ахмедов**), Ҳонқа (**Х.Рахимов**), Қибрай (**Ш.Махмудов**) туманлари давлат архивлари директорлари **жиддий огоҳлантирилсинлар**.

35. Ўзбекистон миллий архивлари ва республика давлат архивлари томонидан архив хужжатларини рақамлаштириш бўйича 2021 йилнинг Асосий кўрсаткичлар режасини юқори миқдор билан бажаришга эришилганлиги учун Андижон вилояти архив иши худудий бошқармаси бошлиғи (**Н.Зухриддинов**), Наманган вилояти архив иши худудий бошқармаси бошлиғи (**Н.Ахмадалиев**), Сирдарё вилояти архив иши худудий бошқармаси бошлиғи в.б. (**У.Юлдашев**), Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани давлат архиви директори (**М.Алиев**), Андижон вилояти давлат архиви директори (**А.Хамидов**), Наманган вилояти давлат архиви директори (**Х.Оппоқов**), Косонсой тумани давлат архиви директори (**М.Имомалиева**), Мингбулоқ тумани давлат архиви директори (**А.Абдурасулов**), Норин тумани давлат архиви директори (**У.Мадаминова**), Сирдарё вилояти давлат архиви директори (**К.Шодмонов**), Гулистон тумани давлат архиви директори (**О.Сангилов**) ва мазкур архивларда режа оширилиб бажарилишига бевосита ҳисса қўшган мутасадди ходимлар **ўрнатилган тартибда рағбатлантиришга тавсия этилсин**.

36. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Миллий архивлари директорлари “Давлат архивларида рақамлаштирилаётган хужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимида архивлар томонидан фондлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш ишларини **2022 йил 20 февралга қадар** якунига етказиш чораларини кўрсинлар.

37. Ўзбекистон миллий архивлари ва республиканинг барча давлат архивларидаги мавжуд сканер қурилмаларидан самарали фойдаланиш мақсадида мавжуд носоз сканер қурилмаларни таъмирлаш, архив хужжатларининг электрон нусхаларини яратишда сифатга аҳамият бериш, қўшимча сканер қурилмаларига эҳтиёжларни аниқлаш ва харид қилиш бўйича ишлар ташкил этилсин.

38. Ўзбекистон Кинофотофоно хужжатлари миллий архиви (**А. Махкамов**)га архив хужжатларини рақамлаштириш бўйича ишларни самарали ташкил қилиш мақсадида **1 ой муддатда** киноплёнка сканери (16 мм. ва 35 мм.) мавжуд корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда аутсорсинг асосида киноплёнкаларни рақамлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш вазифаси топширилсин.

VII. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда тасдиқланган “Ўзархив” агентлигида маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича 2021 йил учун “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида

(Юсупов У.М., Хамдамов Д.Ш., Садиқов Ш.Ф., Исаев Х.Н., Хожибоев Ш.Э., Анаркулова Н.У., Юсупов Д.З., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Юсупов У.М.)

39. “Ўзархив” агентлиги директори У.Юсуповнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда тасдиқланган “Ўзархив” агентлигида маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича 2021 йил учун “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахбороти, хусусан:

Агентлик тизимида кейинги йилларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, архив ходимларининг маънавий дунёқарашини янада ошириш, янги қабул қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан таништириб бориш, маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширилганлиги; натижада, маънавият йўналишида алоҳида тизим шакллانганлиги;

тизимда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг яхлит йўналиши йўлга қўйилганлиги, айниқса, Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятида давлат архивларида давлат тили ва маънавий муҳитга бўлган эътибор ортганлиги;

“Ўзархив” агентлиги ва Республика Маънавият ва маърифат марказининг ўзаро ҳамкорлик “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5040-сон қарори ижросини самарали таъминлаш мақсадида Агентликнинг 2021 йил 31 мартдаги 101-сон буйруғи ҳамда буйруқ билан Агентлик тизимида Маънавият ва маърифат кенгаши, кенгаш иш режаси, Агентликнинг “Йўл харитаси” тасдиқланганлиги;

“Йўл харитаси”да белгиланган 64 та бандларнинг аксарияти вилоятлар ва Ўзбекистон миллий архивларида ижроси таъминланганлиги, жумладан, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғиб қилиш борасида Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё вилоятларида самарали амалга оширилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

40. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон миллий архивлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази:

бир ой муддатда барча вилоят давлат архивларида маънавият ва маърифат хоналари, туман, шаҳар архивларида (хона етишмаган тақдирда) тегишли бурчаклар ташкил этиш чораларини кўрсинлар;

архивчилар ўртасида китобхонликни, тарихий, ноёб архив манбаларини ўқишни кучайтирсинлар;

хар ойдаги ишлаб чиқариш йиғилишларида маънавий-маърифий ишлар ҳолатини муҳокама қилиб борсинлар;

давлат тили қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш, хусусан, давлат архивларининг пештоқлари, пешлавҳалари ёзувлари, деворий эълонлар, расмий иш қоғозларининг давлат тилида бўлишини таъминласинлар;

раҳбарлик лавозимига тавсия этилаётган номзодларнинг давлат тилини билиш даражаси сертификатига эга бўлишини таъминлаш;

мамлакат мустақиллигининг 31 йиллигига пухта тайёргарлик кўрсинлар ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни режалаштирсинлар ва ўтказсинлар;

архивчилар ўртасида давлат архивларида сақланаётган архив ҳужжатларини нес-нобут қилмасдан, тўғри сақланишини таъминласинлар;

турли ахборот хуружларини олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкил этсинлар ва огоҳликнинг барча чораларини кўриб борсинлар.

41. Агентлик директорининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва давлат тили қонунчилиги риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Ш.Турсунбаев) **ҳар ойда** Республика маънавият ва маърифат марказига тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот тақдим этиб борсин.

42. Ўзбекистон миллий архивлари директорлари **ҳар ойда** ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда архив иши ва иш юритиш, тарихий ҳужжатлар ҳамда маънавият, маданият, маърифат ва илмий тадбирларни кенг ташкил этсинлар.

43. Агентликнинг Ахборот хизмати раҳбари (А.Алиев) амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар ҳамда Агентликнинг расмий веб-сайтида ёритиб борилиши таъминлансин.

VIII. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Архив ишини ривожлантириш жамғармасининг 2021 йилдаги даромадлари ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисида

(Юсунов У.М., Хамдамов Д.Ш., Садиқов Ш.Ф., Исаев Х.Н., Хожибоев Ш.Э., Суёнов Ф.О., Кучарова Д.Л., Маманазаров А.А., Закирова Д.Т., Юсунов У.М.)

44. “Ўзархив” агентлиги бош бухгалтери Ф.Суёновнинг Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Архив ишини ривожлантириш жамғармасининг 2021 йилдаги даромадлари ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи, хусусан:

Ўзбекистон миллий архивлари, Қорақалпоғистон Республикаси марказий давлат архиви, Тошкент шаҳар марказий давлат архиви, вилоят, шаҳар, туман давлат архивлари, Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази томонидан ўтказилган маблағлар ҳисобидан Агентлик ҳузуридаги Архив ишини ривожлантириш жамғармасига 2022 йил 1 январь ҳолатига жами **5 441,2 млн.сўм** келиб тушганлиги (қолдиқ маблағ билан биргаликда);

Агентлик ҳузуридаги Архив ишини ривожлантириш жамғармасига келиб тушган маблағлар ҳисобидан 2022 йил бошидан 1 январь ҳолатига жами **4 698,3 млн.сўм** мақсадли сарфланганлиги;

Шундан, **300,0 млн.сўм** давлат архивларининг бинолари ва сақловхоналарида қурилиш, реконструкция қилиш ва жорий таъмирлаш ишлари учун ва **505,0 млн.сўм** уларнинг моддий техника базасини яхшилаш, компьютер техникалари, воситаларини харид қилиш учун, **180,0 млн.сўм** металл стеллажлар харид қилиш учун, **439,3 млн.сўм** сервер қурилмаси харид қилиш учун, **100,0 млн.сўм** тегишли топшириққа асосан Агентлик фаолиятини ЭОАВда ёритиш учун, **151,0 млн.сўм** “Янги Ўзбекистон архивлари” ҳужжатли фильмини суратга олиш учун, **170,8 млн.сўм** “Ўзбекистон архивлари” китоб-альбомини нашр

эйтириш учун, **380,0 млн.сўм** “Архив иши” ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш учун, **19,5 млн.сўм** раҳбар ходимларни малака ошириш курсларида ўқитиш харажатлари учун, **75,0 млн.сўм** Агентлик “CALL” марказини яратиш харажати учун, **102,8 млн.сўм** конференция ва семинарлар ўтказиш учун ҳамда **1416,5 млн.сўм** иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, **320,6 млн сўм** ягона ижтимоий тўловлар, **537,5 млн.сўм** Агентлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган бошқа тадбирлар учун сарфланганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

45. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Архив ишини ривожлантириш жамғармасининг 2021 йилдаги даромадлари ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

46. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Архив ишини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида низомнинг 5-бандида жамғармага мазкур архивлар ҳамда Марказнинг пулли хизмат кўрсатишдан олинган даромадининг мажбурий ажратмалари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай туширилиши шартлиги белгиланганлигига қарамасдан, 2021 йил учун қарздорлик 2022 йил 26 январь ҳолатига **1 783,3 млн.сўм**ни ташкил этганлиги жиддий камчилик сифатида қаралсин.

47. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон миллий архивлари **бир ҳафта муддатда** барча давлат архивлари иштирокида дирекция йиғилишларини ўтказсинлар ва Агентликка ахборот киритсинлар.

48. Ушбу Ҳайъат йиғилиши қарорлари ижроси юзасидан умумий назорат Агентлик директори ўринбосари (Ш.Садиков) зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат аъзоси:

Баённома тузувчи:

Ш. Садиков

Ш.Ҳожибоев

Х. Исаев

Д. Кучарова

А. Маманазаров

Д. Закирова

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил I ярим йиллигига мўлжалланган АСОСИЙ ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
Иа. “Ўзархив” агентлигининг 2022 йил I ярим йилликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалари				
1	Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 2022 йил дастурида белгиланган топшириқларни амалга ошириш чораларини кўриш.	1. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг тегишли бандлари бўйича назорат режасини қабул қилиш. 2. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Ўзархив” агентлиги Ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиш ва масъулларга тегишли вазифаларни бериш ва доимий назоратини олиб бориш.	I ярим йилликда	Садиков Ш.Г., Исаев Х.Н., Агентлик бўлим бошлиқлари, архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари
2	Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси доирасида Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари музейлари ҳамда архивлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат тарихи ва маданиятини акс эттирувчи каталогларни биргаликда нашр этиш.	1. Икки ва кўп томонлама лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. 2. Маданий мерос агентлиги, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш.	2022 йил I ярим йилликда	Садиков Ш.Г., Исаев Х.Н., Агентлик бўлим бошлиқлари, архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари
3	Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ўтказилган йиғилишлар	1. Тасдиқланган режага мувофиқ “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги	Режага асосан	Садиков Ш.Г., Исаев Х.Н.,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
	баённомалари, шу жумладан “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарлари ва масъул ходимларининг ҳисоботларини эшитиш бўйича ўтказилган йиғилишлар баённомалари топшириқларини ўз вақтида бажариш чораларини янада кучайтириш (1-илова).	ташкилотлар раҳбарлари ва масъул ходимларининг ҳисоботларини Агентликнинг марказий аппарат, Ҳайъат йиғилишларида эшитишни ташкил қилиш. 2. Масъулиятсизликка йўл қўйган ходимларга интизомий жазо чораларини кўриш.	доимий	Агентлик бўлим бошлиқлари, архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари
4	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда “ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қароридан белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳар чорак якуни бўйича “Ўзархив” агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари бошлиқлари ва мутахассисларининг ҳисоботлари эшитиш (2-илова).	1. “ijro.gov.uz” тизимнинг мазмун-моҳияти юзасидан Агентлик марказий аппарати ва тизим ташкилотларида тушунтириш ишларини олиб бориш. 2. Ҳужжатлар ва топшириқларнинг ижро ҳолатини тизимли равишда танқидий муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриш. 4. “Ўзархив” агентлиги марказий аппарати ходимлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳамда Ўзбекистон миллий архивлари директорларининг шахсий иш режаларини ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини ташкил этиш.	Доимий ҳар ҳафта жума ва душанба кунлари ҳар чоракда	Садиков Ш.Г., Исаев Х.Н., Агентлик бўлим бошлиқлари, архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари
5	Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг Ҳаракатлар дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш	1. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг архив ишларини ривожлантиришнинг 2022 йилга мўлжалланган асосий кўрсаткичлари режаси асосида ҳудудий бошқармалар, Ўзбекистон	февраль	Садиков Ш.Г., Исаев Х.Н., Агентлик бўлим бошлиқлари, Архив иши ҳудудий

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
	борасидаги ҳукукий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш (3-илова).	миллий архивлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш маркази кесимида келишиб бериш. 2. Архив ишларини ривожлантиришнинг 2022 йилга мўлжалланган асосий кўрсаткичлари режасига мувофиқ архивлар фаолиятини ташкил этиш.	2022 йил давомида	бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон миллий архивлари директорлари ҳамда Архив иши ва иш юритиш маркази директори
6	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи якуни бўйича тасдиқланган баённомалар топшириқларини “Ўзархив” агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилотлар кесимида сўзсиз ва сифатли бажариш.	1. Давлат Раҳбарининг кенг жамоатчилик олдида, соҳа вакиллари ҳамда ҳудудларга ташрифи давомида сўзлаган нутқлари ва маърузаларининг электрон базасини шакллантириш. 2. Нутқ ва маърузаларни таҳлил қилган ҳолда тегишли вазифаларни белгилаб олиш.	доимий февраль	Садиков Ш.Г., Исаев Х.Н., бўлим бошлиқлар
7	Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани, Фарғона вилояти Сўх тумани давлат архивларининг янги бинолари, Сирдарё вилояти давлат архивининг янги кўшимча сақловхонасини фойдаланишга топшириш чораларини кўриш ва янги биноларнинг очилиш маросимларини ташкил қилиш.	1. Архив биноларини ўз вақтида фойдаланишга қабул қилиш бўйича тегишли чоралар кўриш. 2. Янги биноларни очилиши бўйича дастур ишлаб чиқиш ва дастурга мувофиқ тадбирни ўтказиш.	январь-март	Жиззах (Усмонов Ё.С.), Фарғона (Маллаев Д.А.), Сирдарё (Юлдашев У.Х.) Садиков Ш.Г., Алиев А.О.
8	Йиғмажилдлар номенклатурасини юритиш, доимий сақланадиган ҳужжатларни архивга топшириш учун ажратиш масалалари бўйича таркибий бўлинмалар инспекторлари билан тажриба алмашган ҳолда, ўқув-семинар ўтказиш.	1. Агентлик ва унинг тизимидаги малакали ходимларни мазкур семинарга жалб қилиш. 2. Ўқув-семинари бўйича материаллар тайёрлаш ва тажриба алмашиш.	Вазирлар Маҳкамасининг сўровига кўра	Садиков Ш.Г., Ўзбекистон миллий архивлари директори
9	Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилга оид ҳужжатларини Ўзбекистон Миллий архивига	Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарори билан	июнь	Ўзбекистон Миллий архиви директори

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
	давлат сақловига қабул қилиш.	тасдиқланган Архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми талабларига асосан доимий сақловдаги ҳужжатларни қабул қилиш.		
10	Ўзбекистон Республикаси Виртуал қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири виртуал қабулхонаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 ишонч телефони”га (Call-center), “Ўзархив” агентлиги идоравий алоқа маркази (ишонч телефони), тўғридан тўғри Жисмоний ва юридик шахслар орқали келиб тушган мавжуд мурожаатларини, айниқса такрорий мурожаатларнинг ҳар бирини ўз вақтида қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқиш.	<p>1. Мурожаатларни ўз вақтида бажарилиши, шахсий ва сайёр қабулларни ўтказилишини шахсан назорат қилиб бориш ва камчиликларга йўл қўйган раҳбар, ходимларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан Агентлик директорига маълумот киритиш.</p> <p>2. Бажарилган ишлар юзасидан Агентлик директорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш.</p>	<p>ҳар ҳафта жума ва душанба кунлари</p> <p>ҳар ойнинг 3-санасида</p>	<p>Садиков Ш.Г., Анаркулова Н.У., Юсупов Д.З.</p> <p>Садиков Ш.Г., Анаркулова Н.У.,</p>
Ў. Агентликнинг 2022 йил I ярим йилликда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича таклифлари				
11	Архивлар ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги гуруҳ тўғрисида низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<p>1. “Ўзархив” агентлиги буйруқ лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Буйруқ лойиҳасини ҳудудий бошқармалар билан келишиш.</p> <p>3. Буйруқ лойиҳасини “Ўзархив” агентлиги директорига киритиш.</p>	февраль	Садиков Ш.Г., Мирзаев Л.Т.
12	Архив ҳужжатларини рақамлаштириш ва уларнинг рақамли нусхаларини идентификация қилиш жараёнини бирхиллаштириш бўйича услубий қўлланмасини тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш.	<p>1. Услубий қўлланма лойиҳаси бўйича Агентлик бўлинмалари, ҳудудий архив бошқармалари, Ўзбекистон миллий архивларидан услубий қўлланма лойиҳаси бўйича таклифларни жамлаш.</p> <p>2. Услубий қўлланмани белгиланган</p>	<p>20 февраль</p> <p>15 март</p>	<p>Исаев Х.Н., Зиятдинов А.М., Архив иши ҳудудий бошқармалари ва Ўзбекистон миллий архивлари</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
		<p>тартибда тасдиқлаш.</p> <p>3. Худудлар бўйича рақамлаштиришга масъул ходимлар учун амалий ўқув машғулотларини ташкил этиш бўйича режа-графигини тасдиқлаш.</p> <p>4. ZOOM платформаси орқали ўқув машғулотларини ташкил этиш.</p>	<p>25 март</p> <p>режа-график бўйича</p>	
13	<p>Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича мўлжалланган чора-тадбирлар режасини босқичма-босчиқ тадбиқ этиш.</p>	<p>1. Киберхавфсизлик марказини жалб қилган ҳолда Агентлигининг ахборот хавфсизлиги сиёсатини янги таҳрирда ишлаб чиқиш чораларини кўриш.</p> <p>2. Агентлигининг ахборот хавфсизлиги сиёсатини лойиҳасини Миллий хавфсизлик хизмати ва Киберхавфсизлик маркази билан келишиш.</p> <p>3. Агентлигининг ахборот хавфсизлиги сиёсатининг янги таҳририни тасдиқлаш.</p>	<p>февраль</p> <p>март</p> <p>апрель</p>	<p>Исаев Х.Н., Суюнов Ф.О., Турапов А.Ў., Умматов Ж.А.</p>
14	<p>“Ўзбекистон Республикасида Архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Қарор лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p>3. Қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига ўрнатилган тартибда киритиш.</p>	<p>май</p> <p>май</p> <p>июнь</p>	<p>Садиков Ш.Г., Мирзаев Л.Т.</p>
15	<p>Агентлик марказий аппарати ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмларини белгилаш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги марказий аппарати ходимларини самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) асосида уларни мукофотлаш тизимида рағбатлантириш ва ёки жарималар қўллаш стратегиясини белгилаш, КРІ орқали Агентлик мақсадлари ва уларга эришиш нисбати, ходимларнинг вазифалари ва</p>	<p>I чоракда</p>	<p>Исаев Х.Н., Суюнов О., Файзуллаев А., Суюнов Ф.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
		фаолият жараёнларини назорат қилиш ва таҳлиллаш тамойиллари орқали белгилашни тартибга солувчи низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш		
16	Архив ҳужжатларининг электрон нусхасини ва электрон ҳужжатларни давлат архивлари томонидан қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Электрон ҳужжатларни давлат архивлари томонидан қабул қилиш жорий этилган хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш. 2. Хорижий давлатлар архивлари тажрибасини ўрганиш бўйича хизмат сафарини ташкил қилиш. 3. Хорижий тажрибани ўрганиш якуни бўйича норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ва ахборот тизимига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш. 	II чорақда	Исаев Х.Н., Зиятдинов А.М., Турапов А.Т.
17	Архив соҳасига оид статистик ҳисоботлар шакллари ва Архив ишини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари режаси ва ҳисоботи шакллари янги таҳрирда ишлаб чиқиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. 1,2,3,4-ДА, 5-АШ, 6-Б, 10,11,12-ИА, 1-К статистика ҳисобот шакллари қайта кўриб чиқиш, зарур бўлмаган ҳисобот шакллари бекор қилиш. 2. Ҳисобот шакллари янги таҳририни (лойиҳаси) ишлаб чиқиш. 3. Агентлик тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмларини белгилаш. 	I ярим йилликда	Ш.Садиков, Агентлик бўлим бошлиқлари
II. Агентликнинг 2022 йил I ярим йилликда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича кўрилаётган чоралар натижадорлиги таҳлиллари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини мақсадли ўрганиш ва натижасини “Ўзархив” агентлиги Ҳайъати йиғилишларида кўриб чиқиш				
18	“Ўзархив” агентлигининг 2022 йил I чорақ якунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумати	1. Йиғилиш кун тартиби лойиҳаси ва унинг иштирокчилари рўйхатини шакллантириш, Агентлик директори	апрель	“Ўзархив” агентлиги Ҳайъат аъзолари, Ҳожибоев Ш.Э.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
	томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида.	<p>Ўринбосарлари билан келишиш.</p> <p>2. Зарур ҳолатларда кўриб чиқиладиган муаммо юзасидан ишлар ҳолатини бевосита Агентлик бўлимлари, тизим ташкилотларида олдиндан ўрганиш ташкил этиш.</p> <p>3. Ҳайъат йиғилишларида муҳокама этиладиган масалалар юзасидан тегишли материалларни тайёрлаш.</p>		
19	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сон Фармони ижросини таҳлил қилиш.	<p>1. Фармон ижросини Агентлик ва тизимдаги архив иши ҳудудий бошқармалар кесимида таҳлил қилиш.</p> <p>2. Таҳлилий маълумотнома тайёрлаш ва Агентлик Ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиш.</p> <p>3. Таҳлилий маълумотномани ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>март</p> <p>апрель</p> <p>апрель</p>	<p>Садиков Ш.Г., Исаев Х.Н., Турапов А. Ў.,</p> <p>Агентлик марказий аппарати ходимлари</p>
20	“Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарори ижросини таҳлил қилиш.	<p>1. Қарор ижросини Агентлик ва тизимдаги архив иши ҳудудий бошқармалар кесимида таҳлил қилиш.</p> <p>2. Таҳлилий маълумотнома тайёрлаш ва Агентлик Ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиш.</p> <p>3. Таҳлилий маълумотномани ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>Март</p> <p>апрель</p> <p>апрель</p>	<p>Садиков Ш.Г., Исаев Х.Н., Турапов А. Ў.,</p> <p>Агентлик марказий аппарати ходимлари</p>
21	Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари ва унинг тизимидаги архивлари ҳамда Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида ўтказилган ўрганиш натижалари тўғрисида.	<p>1. Йиғилиш кун тартиби лойиҳаси ва унинг иштирокчилари рўйхатини шакллантириш, Агентлик директори ўринбосарлари билан келишиш.</p> <p>2. Зарур ҳолатларда кўриб чиқиладиган муаммо юзасидан ишлар ҳолатини бевосита Агентлик бўлимлари, тизим ташкилотларида</p>	февраль-июнь	“Ўзархив” агентлиги Ҳайъат аъзолари, Ҳожибоев Ш.Э.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
		<p>олдиндан ўрганиш ташкил этиш.</p> <p>3. Ҳайъат йиғилишларида муҳокама этиладиган масалалар юзасидан тегишли материалларни тайёрлаш.</p>		
22	<p>“Ўзархив” агентлиги, унинг тизимидаги архив иши ҳудудий бошқармалари ва архивларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш ҳамда унинг натижаларини таҳлил қилиш.</p>	<p>1. Агентлик ва тизимдаги архивлар кесимида ижро интизоми ҳолатини ijro.gov.uz тизими орқали мониторинг қилиш.</p> <p>2. Мониторинг натижаси бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрлаш.</p> <p>3. “Ўзархив” агентлиги Ҳайъати йиғилишларида муҳокама қилиш.</p>	<p>ҳар ҳафта</p> <p>ҳар ҳафтанинг душанба куни</p> <p>ҳар ойда</p>	<p>Садиков Ш.Г., Исаев Х.Н., Агентлик марказий аппарати ходимлари</p>
23	<p>Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сон Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шунингдек, соҳага оид ижтимоий-ҳуқуқий, мавзули сўровларни мониторингини олиб бориш ҳамда натижаларини таҳлил қилиш.</p>	<p>1. Агентлик ва тизимдаги архивлар кесимида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ижроси ҳолатини мониторинг қилиш.</p> <p>2. Мониторинг натижаси бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрлаш.</p> <p>3. “Ўзархив” агентлиги Ҳайъати йиғилишларида муҳокама қилиш.</p> <p>4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясига тегишли ҳисоботларни тақдим этиб бориш.</p>	<p>ҳар ҳафта</p> <p>ҳар ҳафтанинг душанба куни</p> <p>ҳар ойда</p> <p>ҳар чорак якунида</p>	<p>Садиков Ш.Г. Анарқулова Н.У.,</p>
<p>III. Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ҳукумат қарорлари ижросини мақсадли ўрганиш</p>				
24	<p>Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий</p>	<p>1. Мақсадли ўрганиш юзасидан Ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш ва</p>	<p>февраль-июнь</p>	<p>Тошкент, Самарқанд ва Фарғона</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
	<p>бошқармалари ва унинг тизимидаги архивлари ҳамда Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт хужжатлари миллий архивида Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, Давлат тили қонунчилиги, назорат ва ижро интизоми, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари ижроси ҳолати ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ўрганиш.</p>	<p>тасдиқлаш.</p> <p>2. Мақсадли ўрганиш юзасидан тегишли саволнома, таҳлилий жадваллар шакли, маълумотномалар шаклини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Мақсадли ўрганишни жойига чиққан ҳолда ташкил этиш.</p> <p>4. Ўрганиш натижаларини Агентлик Ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиш.</p>		<p>вилоятлари архив иши ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт хужжатлари миллий архиви</p> <p>Садиков Ш.Г., Хожибоев Ш.Э., Мирзаев Л.Т., Турсунбаев Ш.М., Юсупов Д.З.</p>
25	<p>Республика ташкилотларида архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назоратини ўтказиш.</p>	<p>1. Давлат назоратини ўтказиш кунини аниқлаш ва ташкилотга текшириш ўтказилишини маълум қилиш ва текшириш саволномасини юбориш.</p> <p>2. Давлат назоратини ўтказиш бўйича гуруҳ тузиш ва буйруқ билан расмийлаштириш.</p> <p>3. Давлат назоратини ўтказиш ва текшириш натижалари бўйича маълумотнома расмийлаштириш.</p> <p>4. Аниқланган қонунчилик хужжатларини бузилиши бўйича тақдимнома юбориш.</p>	<p>Давлат назорати режасига мувофиқ</p>	<p>Садиков Ш.Г., Хожибоев Ш.Э., Мирзаев Л.Т.</p>
26	<p>Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси ва унинг тизимидаги давлат архивлари, Ўзбекистон миллий архивлари, Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказида молиявий фаолиятини ўрганиш (ички аудит).</p>	<p>1. Ўрганиш ўтказиш кунини аниқлаш ва ташкилотга ўрганиш ўтказилишини маълум қилиш ва ўрганиш саволномасини юбориш.</p> <p>2. Ўрганишни ўтказиш бўйича гуруҳ тузиш ва буйруқ билан расмийлаштириш.</p> <p>3. Ўрганишни ўтказиш ва ўрганиш</p>	<p>февраль-июнь</p>	<p>Садиков Ш.Г., Суёнов Ф.О.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
		<p>натижалари бўйича маълумотнома расмийлаштириш.</p> <p>4. Ўрганиш натижаларини Агентлик Ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиш.</p>		
27	<p>Давлат архивлари томонидан рақамлаштирилган архив ҳужжатларининг электрон нусхалари сақлови ҳолати ва сифати бўйича ўрганиш ўтказиш.</p>	<p>1. Ўрганиш бўйича режа-графикни тасдиқлаш.</p> <p>2. Ўрганишни ўтказиш бўйича гуруҳ тузиш ва буйруқ билан расмийлаштириш.</p> <p>3. Ўрганишни ўтказиш ва ўрганиш натижалари бўйича маълумотнома расмийлаштириш.</p> <p>4. Ўрганиш натижаларини Агентлик Ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиш.</p>	<p>1 апрель</p> <p>режа-график бўйича</p>	<p>Исаев Х.Н., Зиятдинов А.М.</p>
28	<p>“Ўзархив” агентлиги директори ва ўринбосарларининг 2022 йил I ярим йиллигида жойларда жисмоний ва юридик шахслар вакилларини шахсий қабул қилиш, шу жумладан сайёр қабулларини ташкил этиш (4-илова).</p>	<p>1. Сайёр қабул ўтказилиши бўйича расмий веб-сайтда, газетада, сайёр қабул ўтказиладиган архивда эълонлар жойлаштириш.</p> <p>2. Белгиланган кунда сайёр қабулни ўтказиш, унда жисмоний шахс ва юридик шахс вакилларининг мурожаатларини эшитиш, мурожаатларни назоратга олиш, уларнинг бажарилиши юзасидан чоралар белгилаш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган жадвал асосида</p>	<p>Садиков Ш.Г., Исаев Х.Н.</p>
<p>IV. Ўзбекистон Республикасида архив иши соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни кенг ёритиш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини юритиш ҳамда жамоатчилик алоқаларини мустаҳкамлаш</p>				
29	<p>“Инсон кадри учун” тамойили асосида давлат архивларида 2021 йилда амалга оширилган ислохотлар ва 2022 йил учун белгилаб олинган вазифалар” мавзусида Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва</p>	<p>1. Маълумотларни тўплаш, уларни саралаш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2. Матбуот анжумани ёки Брифинг ўтказилиши бўйича эълонлар бериш.</p> <p>3. Белгиланган кунда матбуот анжумани</p>	<p>февраль</p>	<p>Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
	Ўзбекистон миллий архивлари директори иштирокида матбуот анжуманлари ва брифинглар ўтказиш.	ёки брифингни сифатли ўтказилишини таъминлаш.		директорлари, Архив иши ва иш юритиш маркази директори Алиев А.О.
30	Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси ҳамда Ўзбекистон миллий архивлари ижро назорати ва иш юритишга масъул ходимларнинг “Ўзархив” агентлиги марказий аппаратида стажировка ўташларини ташкил этиш.	1. Стажировка бўйича дастурларни тайёрлаш ва стажировка ўтовчилар рўйхатини шакллантириш. 2. Белгиланган муддатларда стажировкаларни ташкил этиш.	февраль февраль-июнь	Юсупов Д.З., Агентлик марказий аппарати бўлим бошлиқлари,
31	8 март - Халқаро хотин- қизлар кунига бағишланган “Балли қизлар” беллашувини ўтказиш.	1. Ҳудудлар кесимида саралаш босқичларини ўтказиш. 2. Беллашувнинг финал босқичини ўтказиш жойи ва дастурларини тайёрлаш.	февраль март	Фарғона вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси Садиков Ш.Г., Алиев А.О., Юсупов Д.З., Ширмухамедова К.М., Архив иши ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон миллий архивлари
32	“Агентлик директори кубоги” “Ўзархив” агентлигининг футбол бўйича чемпионатини ташкил этиш ва ўтказиш.	1. Буйруқ лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Ҳудудларда футбол ўйинларини ўтказиш. 3. Финал босқичини ўтказиш.	февраль март- октябрь	Садиков Ш.Ф., Турсунбаев Ш.М., Умматов Ж.А.
33	“Инсон қадри учун” тамойили асосида давлат архивларида амалга оширилаётган	1. Пресс-тур бўйича материалларни тайёрлаш, жумладан, дастур, факт-лист ва	февраль	Самарқанд вилояти архив иши ҳудудий

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
	ислохотлар ва Самарқанд вилоятида архив иши ва иш юритиш ҳолати” бўйича Самарқанд вилояти архив муассасаларига ташриф” мавзусида Пресс-тур ўтказиш.	бошқа материаллар тайёрлаш. 2. Пресс-тур ўтказилиши бўйича эълонлар бериш ва ОАВ вакиллари ва блогерларни таклиф қилиш. 3. Белгиланган кунда Пресс-тур ўтказилишини таъминлаш.		бошқармаси бошлиғи Алиев А.О.
34	2022 йил – “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастури мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган “Улуғлар улуғлайди ватанни” мавзуида олимлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этиш.	1. Тадбир дастурини тайёрлаш. 2. Тадбирни ташкил этиш.	февраль март	Ш. Турсунбаев, Ўзбекистон миллий архивлари
35	“Инсонларнинг яхшиси инсонларга манфаат келтирганидир” мавзусида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш.	1. Тадбир дастурини тайёрлаш 2. Эълонлар бериш ва ОАВ вакиллари ва блогерларни таклиф қилиш. 3. Тадбирлар ўтказилишини таъминлаш.	февраль	Архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари директорлари, Алиев А.О. Турсунбаев Ш. М
36	“Давлат архивларида рақамлаштирилаётган ҳужжатларни ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизимининг ишга туширилиши” мавзусида матбуот анжуманини ўтказиш.	1. Маълумотларни тўплаш, уларни саралаш ва таҳлил қилиш. 2. Анжуман ўтказилиши бўйича эълонлар бериш. 3. Белгиланган кунда анжуман ўтказилишини таъминлаш.	март	Алиев А.О., Агентлик бўлим бошлиқлари
37	Ўзбекистон миллий архивида “Архивларда аёлларга оид мавзуларни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзусида илмий конференция ташкил этиш.	1. Конференция бўйича материалларни тайёрлаш, жумладан, дастур ва бошқа материаллар. 2. Конференция ўтказилиши бўйича эълонлар бериш ва ОАВ вакиллари ва блогерлар таклиф қилиш.	март	Ўзбекистон Миллий архиви директори Алиев А.О.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
		3. Белгиланган кунда конференция ўтказилишини таъминлаш.		
38	9 июнь - Халқаро архивлар куни ва 15 июнь - “Архив иши тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан “Ўзархив” агентлиги тизимидаги Республика архивлари ўртасида “Ёшлар форумини” ўтказиш.	1. “Ёшлар форумини” ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш. 2. “Ёшлар форумини” иштирокчиларини аниқлаш ва саралаб олиш. 3. “Ёшлар форумини”ни муносиб тарзда ўтказиш.	март-апрель май июнь	Навоий вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси Алиев А.О., Турсунбаев Ш. М, Юсупов Д.З.,
39	“Улуғ халқ қудрати жўш урган замон” шиори остида “Ўзбек аёли – ўтмиш, нафосат, келажак рамзи” мавзусида 8-март халқаро Хотин-қизлар куни муносабати билан Тошкент Фотосуратлар уйида архив фотокўргазмасини ташкил этиш.	1. Фотокўргазма бўйича материалларни тайёрлаш, жумладан, хат, дастур ва бошқа материаллар. 2. Фотокўргазма ўтказилиши бўйича эълонлар бериш 3. Белгиланган кунда фотокўргазмани ўтказилишини таъминлаш.	март	Турсунбаев Ш.М. А. Алиев, Ўзбекистон миллий архивлари директорлари
40	“Агентлик спорт ўйинлари” Республика мусобақаларини ўтказиш.	1. Тадбирлар бўйича материалларни тайёрлаш, жумладан, дастур ва бошқалар. 2. Тадбир ўтказилиши бўйича эълонлар бериш ҳудудий спорт ўйинларини назорат қилиш. 3. Белгиланган кунда Республика тадбирини ўтказилишини таъминлаш.	март апрель	Турсунбаев Ш.М., Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Миллий архиви директори
41	Туркия ва Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатлари китоб-альбоми тақдимотини ўтказиш.	1. Китоб-альбом тақдимоти бўйича материалларни тайёрлаш. 2. Эълонлар бериш ва ОАВ вакиллари ва блогерларни таклиф қилиш. 3. Тақдимотни ўтказилишини таъминлаш.	апрель	Алиев А.О.
42	“Аскар мактублари” китоб-альбоми тақдимотини ўтказиш.	1. Китоб-альбом тақдимоти бўйича материалларни тайёрлаш. 2. Эълонлар бериш ва ОАВ вакиллари	май	Алиев А.О.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Ижро учун масъуллар
